

Баҳоуддин Муҳаммад Жамолуддин Надави



16:14 / 09.10.2024 743

Ислом мутафаккири ва буюк воиз, аҳли сунна вал-жамоанинг энг кўзга кўринган олимларидан бири, нуфузли 500 та уламолар рўйхатига киритилган аллома Баҳоуддин Муҳаммад Жамолуддин Надави 1951 йил Ҳиндистонда таваллуд топган.

1974 йилда Ҳиндистондаги «Нурия» араб университетини, 1979 йилда Калкутта дорулфунунини тамомлаган. Сўнг таълим ва тадрис ишлари билан шуғулланган.

1981 йилда Лакновдаги «**Дорул-улум**»нинг араб тили ва исломий илмлар бўйича халқаро шаҳодатномасига эга бўлган.

1987 йилда ушбу мутахассисликлар бўйича магистр даражасига эришган. Шундан кейин ўз юртига қайтиб, Каллекут университетиде фаолиятини

давом эттирди. 1993 йилда докторлик ишини ёқлаган.

1998 йил Мисрдаги «**Ал-Азхар**» жомеасида илмий фаолиятини давом эттирган.

Олим «Дар ал-Ҳуда» Ислом университетини ташкил этилишида муҳим рол ўйнади ва у ҳозирда Дҳажа шаҳридаги университетда вице-президент сифатида хизмат қилмоқда.

Баҳоуддин Муҳаммад Жамолуддин Надави Ассоциация Кенгаши ва Бутун Ҳиндистон Ислом диний таълим қўмитаси, Керала штатидаги Ҳаж ишлари бўйича Бутун Ҳиндистон Ислом диний таълим қўмитаси, ҳукумат мактаблари учун ўқув қўмитасининг аъзоси, инглиз тилидаги «**Islamic Insight International Journal of Islamic Studies**» журналининг бош муҳаррири ва «**Дар ал-Ҳуда**» Ислом университети томонидан нашр этилаётган икки исломий журнал: Талижшам (Нур) ва Сунчда Кудумим (Оила) журналлари таҳрир кенгаши раиси ҳамда барча Керала ўқитувчилари уюшмаси раиси саналади.